



# РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВАЗИФАСИ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СОБИҚ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРНИНГ ТОВОН ПУЛИНИ БАҲОЛАШ

---



Сиёсий сабабларга кўра қамоқ жазосига маҳкум этиш бутун Марказий Осиёда кенг тарқалган амалиёт бўлиб, бу амалиёт давом этар экан, бир пайтлар виждон маҳкумлари бўлган, аммо қамоқдан озод этилганлар сони ортиб бормоқда. Бу ўсиш, айниқса, яқинда сиёсий ўзгаришлар даврини бошидан кечирган Ўзбекистон каби мамлакатларда яққол кўзга ташланади.

Бизнинг «Реабилитация масъулияти: Қозоғистон ва Ўзбекистондаги собиқ сиёсий маҳбуслар учун товон тўловларини баҳолаш» номли ҳисоботимизда Freedom Now ҳозирда Ўзбекистон ва Қозоғистон собиқ виждон маҳкумларни реабилитация қилиш бўйича халқаро мажбуриятларини (халқаро ҳуқуқ бўйича «товон тўлови» деб ҳам аталади) бажаришини ва агар бажарилмаган тақдирда, икки давлат қаерда сусткашликга йўл қўйганлиги ва ушбу ҳукуматлар ўз амалиётларини халқаро мажбуриятларига мувофиқлаштиришини таъминлаш учун ички реабилитация тизимини қандай мослаштириш мумкинлигини баҳолайди. Ушбу қисқача ҳисоботда Ўзбекистон билан боғлиқ хулосалар ва тавсиялар ҳақида умумий маълумот берилади.

## ВИЖДОН МАҲКУМЛАРИ

Виждон маҳкуми - зўравонлик қўлламаган ёки уни тарғиб қилмаган, лекин сиёсий, диний ёки бошқа эътиқодлари ёки ўзининг этник келиб чиқиши, жинси, жинсий ориентацияси, ранги, тили, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи, туғилгандаги ҳуқуқий мақоми ёки бошқа сабабларга кўра қамоққа олинган шахс.

Ушбу ҳисоботда «собиқ виждон маҳкуми» атамаси виждон маҳкуми сифатида қамоқда бўлган, аммо кейинчалик қамоқдан озод қилинган шахсга нибатдан ишлатилади.

Ушбу ҳисоботда Ўзбекистонда мавжуд реабилитация тизими давлатнинг халқаро мажбуриятларига номувофиқ деган хулоса қилинган. Ўзбекистоннинг ички қонунчилик базасининг таҳлили ҳамда Ўзбекистондаги собиқ виждон маҳкумлари билан суҳбатлар натижасида қилинган хулосалар шуни кўрсатдики, қонунчилик ва амалиётдаги камчиликлар собиқ виждон маҳкумларининг компенсация олиш ҳуқуқининг бевосита бузилишига сабаб бўлаяпти.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОВОН ТЎЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТИ

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчилик бузилганлиги учун тўлиқ товон тўлаш мажбуриятини белгиловчи инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларининг асосий манбаи давлатнинг шартномавий мажбуриятлари бўлиб, шу жумладан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт («ФШХП») бўлиб, у Ўзбекистондан ҳаракат эркинлиги, виждон эркинлиги, сўз эркинлиги, йиғилишлар эркинлиги, уюшмалар эркинлиги ва сиёсий иштирок ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб қилади. ФШХПда шахсларни фуқаролик ёки сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириши учунгина озодликдан маҳрум қилиш инсон ҳуқуқларининг бузилиши, деган тамойил аниқ ифодаланган. ФШХП шунингдек, қонунларни дискриминацион тарзда қўллашни, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш ва ушлаб туриш ва қийноқларни тақиқлайди, шу қаторда виждон маҳқумлари билан боғлиқ ишларда тез-тез учрайдиган барча инсон ҳуқуқлари бузилишларини ҳам.

Халқаро ҳуқуқнинг бузилганлиги учун товон олиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг азалий нормаси бўлиб, бу ҳуқуқ халқаро инсон ҳуқуқлари қонунчилиги билан ҳимояланган. Ушбу ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг кўплаб манбаларидан, жумладан, шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойилларидан келиб чиқади. Давлатлар билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар ҳам шунини тан олишадики тўлиқ зарарни қоплаш мажбурияти компенсация тўлаш, ҳуқуқларни тиклаш, реабилитация, қондириш ва такрорланмаслик кафолатларини ўз ичига олади. Бинобарин, бирон бир шахс инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчиликнинг бузилишига олиб келадиган сиёсий сабабларга кўра ҳибсга олинган тақдирда, Ўзбекистон ҳукумати жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш, зарур ҳолларда, моддий зарарни қоплаш, маҳрум этилган ҳар қандай ҳуқуқларни тиклаш, тиббий ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўли билан реабилитация қилиш, давлат номидан нотўғри хатти-ҳаракатни рамзий тан олиш йўли билан қоплаш мажбуриятини сақлаб қолади ва шу каби ҳуқуқбузарликлар содир бўлмаслигини кафолатлайди.



# ЎЗБЕКИСТОНДА РЕАБИЛИТАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ

Ўзбекистон қонунчилигида собиқ маҳбуслар ҳибсга олиншининг айрим жиҳатлари ноқонуний деб топилса, уларга етказилган зарар учун давлат томонидан товон тўланиши назарда тутилган. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида реабилитация ҳуқуқи учта алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўйича белгиланган. Турли хил ҳуқуқий асослар қўллаш доираси ва реабилитация турига қараб фарқланади. Реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асослари реабилитация учун асослар яратадиган ҳуқуқ соҳасига қараб, қуйида уч хил тоифага бўлинади:

## Жиноят кодексига мувофиқ реабилитация

Жиноят-процессуал кодексининг 83 ва 301-моддалари асосида яратилган ушбу тоифага қонунга хилоф равишда айблов эълон қилинган, ҳибсга олинган, қамоққа олинган, уй қамоғига олинган ёки бошқа тарзда қамоққа олинган шахслар киради. Бу тоифа оқланган шахсларга, шунингдек гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланган, бироқ айбловлар исботланмаганлиги ёки жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноятга дахлсизлиги исботланганлиги сабабли айбсиз деб топилган шахсларга тааллуқлидир. Шунингдек, 303-модда жиноий жазони ўтаб бўлгандан кейин суд ҳукмини қайта кўриб чиқувчи инстанция суди дастлабки жазони тўлиқ ёки қисман бекор қилган ва янги ҳукм бўйича белгиланган муддатдан кўпроқ муддатни ўтаган шахсларни қисман реабилитация қилишга рухсат беради.

## Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс бўйича реабилитация

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324-моддасига асосан ташкил этилган ушбу тоифага маъмурий жавобгарликка тортилган, лекин ноҳақ айблов қўйилган ва маъмурий қамоқ жазоси тайинланган шахслар киради.

## Совет даври маҳкумлари реабилитацияси

Президентнинг п-5598-сонли фармони билан белгиланган бу тоифага Совет сиёсий қатағонлари қурбони бўлганлигини исботлаган шахслар киради. Ушбу тоифага кириш учун суд дастлабки жиноий айбловни асоссиз деб топиши ва умумий асослардаги суд жараёни билан бир хил тартибда шахсни барча айбловлардан оқлаши керак.

Ушбу қонунчилик нормаларига таъсири доирасига тушадиган виждон маҳкумлари Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ ҳукуматдан товон олиш ҳуқуқига эга. Юқорида санаб ўтилмаган реабилитация учун бошқа мумкин бўлган асослар, масалан, амнистия, афв этиш ёки жазони енгиллаштириш, реабилитация ҳуқуқини бермайди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҲУҚУҚИ АМАЛИЁТИ

Ўзбекистоннинг амалдаги реабилитация тизими ноқонуний қамоққа олинган жабрланувчиларнинг реабилитациясини тўлиқ таъминлай олмайдиган тарзда шакллантирилган ва шунинг учун бу тизим товон тўлаш бўйича халқаро стандартларга жавоб бермайди.

Кўпгина собиқ виждон маҳкумлари жазо муддатини ўтаб бўлгандан кейин озодликка чиқарилгани ва ички ҳуқуқ нуқтаи назардан улар Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ жиноят содир этганликда айбдор деб ҳисоблангани учун Ўзбекистон қонунчилиги уларни реабилитация қилишдан қатъиян маҳрум қилади. Агар собиқ виждон маҳкуми шикоятлар қилиш ички механизмларининг барчасидан фойдаланиб бўлган бўлса, Ўзбекистон жиноят процессуал тартибида суд ишини қайта очиш ҳуқуқини берадиган асослар қолмаган бўлади. Гарчи Ўзбекистон қонунчилиги жиноят ишини «янги очилган ҳолатлар» муносабати билан қайта очишга рухсат берган бўлса-да, виждон маҳкумлари кўпинча судда илгари тақдим этилмаган, янги далилларга эга бўлмайди, ва бу имконият олдиндан йўқотилади. Жиноят ишларини қайта очилишининг бошқа йўллари қаторига Олий суд раиси ёки Бош прокурор томонидан ишни Олий судда қайта кўриб чиқиш учун протест келтириши тўғрисида ариза бериш ҳисобланади, лекин бу жараён ихтиёрий бўлиб, маҳкумлар учун ишни қайта очиш ҳуқуқини кафолатламайди. Оқибатда кўплаб собиқ виждон маҳкумларининг иши Олий суд ёки Бош прокуратурага мурожаат қилганидан кейин ҳам қайта очилмай қолади.

Озодликка чиқарилган виждон маҳкумлари ўз ишларини қайта очишга муваффақ бўлган тақдирда ҳам, уларнинг кўпчилиги озодликка чиқиш шарти сифатида ўз айбини тан олган ва кечирим сўраб расмий ҳужжатларга имзо чекишга мажбур бўлган бўлади. Ҳукумат айбни расман тан олишдан жиноят далили сифатида фойдаланади ва натижада бундай ҳужжатларни имзолаш собиқ маҳкумларни реабилитация қилиниш имкониятидан амалда маҳрум қилади.

Ўзбекистонда собиқ виждон маҳкумларининг кам сонли қисмигина ноҳақ қамоққа олинганлиги учун реабилитация қилиш ҳуқуқига эга деб, топилган бўлса-да улар ҳибсга олиш натижасида етказилган моддий зарар учун талаб қилинган товон пулини тўлиқ олмаган. Жумладан, сохта айбловлар билан қарийб олти йил қамоқда ўтирган ҳуқуқ ҳимоячиси Чўян Маматқулов, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди унинг жиноят содир этганини тасдиқловчи далил йўқлигини аниқлаганидан сўнг, 500 миллион сўм товон ундиришни сўраган. Бироқ у бор-йўғи 60 минг сўм (тахминан 6000 АҚШ доллари) олган, бу ҳибсда ўтказган йиллари учун тўланиши керак бўлган миқдордан анча кам.

Ушбу ҳисобот учун Ўзбекистонлик ўн нафар собиқ виждон маҳкумлари билан ўтказилган суҳбатлар натижасида Ўзбекистонда мавжуд реабилитация тизими ва амалиёти туфайли ҳозирда қондирилмаётган кўплаб реабилитацияга оид эҳтиёжлари аниқланди. Суҳбатдошларнинг маълум қилишича, уларнинг қамоққа олиниши уларга ишдан айрилиш, бизнесни йўқотиш, мулк мусодара қилиниши, мулкка зарар етказиш, қийноқлар ва шафқатсиз муносабатда бўлиш, тиббий эътиборсизлик оқибатидаги жароҳатлар, адвокат ва суд харажатлари, қамоқхонага ташриф буюриш ва улар билан боғлиқ бўлган оила аъзолари томонидан озиқ-овқат ва гигиена буюмларини етказиб бериш харажатлари туфайли катта зарар етказган. Бундан ташқари, баъзи суҳбатдошлар кўплаб ҳуқуқ ва имтиёзларга, жумладан, ННТни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига, саёҳат қилиш ҳуқуқига, маълум касбий лицензиялар олиш имкониятига ва муайян касблар бўйича ишлаш қобилиятига нисбатан чекловларга дуч келишда давом этмоқдалар,



гарчи Ўзбекистон ҳукумати маҳкумлар қамоқдан озод этилганидан кейин бу ҳуқуқларни тиклаши шарт бўлса ҳам.

Ўзбекистонда сўровда қатнашганларнинг биридан ташқари ҳаммаси қамоқхонада бўлганликлари сабабли доимий тиббий ёки психологик муолажаларга эҳтиёжлари борлигини билдиришган. Бироқ, ҳеч бир суҳбатдош, шу жумладан миллий қонунчиликка мувофиқ тоvon пули олиш ҳуқуқига эга бўлган суҳбатдош озод этилганидан кейин давлат томонидан тиббий ёки психологик ёрдам олиш имкониятига эга бўлмаганлигини маълум қилган, гарчи бир қанча суҳбатдошлар озодликка чиққанидан сўнг Ўзбекистон давлат хизматларига мурожаат қилишган бўлсалар ҳам. Ўзбекистон озодликка чиққан барча маҳкумларга тиббий ёрдам, уй-жой ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари ўз ичига олган озодликка чиққандан кейин қўллаб-қувватлаш хизматларини тақдим этишини даъво қилса-да, кўплаб собиқ виждон маҳкумлари ушбу давлат хизматлариндан фойдаланиш мушкул ва баъзан имконсиз эканини айтишади.

## ИСЛОҲОТ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон ҳукумати собиқ виждон маҳкумларининг реабилитация эҳтиёжларини қондира олмагани, виждон маҳкумлари озод этилганидан сўнг ҳам ҳукумат уларнинг инсон ҳуқуқлари бузилгани учун тоvon тўлаш бўйича халқаро мажбуриятларини бажармаётганини кўрсатади. Бироқ, Ўзбекистон ўз қонунчилиги ва амалиётини собиқ виждон маҳкумлари ҳукуматнинг халқаро мажбуриятлари талаб қиладиган тоvon тўловларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадидаанча такомиллаштириш имкониятига эга. Муҳим ҳуқуқий ислохотларга келадиган бўлсак, Ўзбекистонга қуйидаги ислохотларни қонунчиликка киритишни тавсия қиламиз.

### «Виждон маҳкуми»тушунчасини қонунчилик базасига ва сиёсий мулоқотга киритиш

қонунчилик ва сиёсатда «виждон маҳкуми» атамасини қўлламайди, бу эса виждон маҳкумларининг реабилитацияга бўлган ҳуқуқларини янада эътибордан четда қолдиради. Ўзбекистон фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини амалга оширгани учун қамоққа олинган шахсларнинг реабилитациясини таъминлашга нисбатан ушбу атамани қўллаш амалиётини жорий этиши керак.

### Умумий «реабилитация ҳуқуқи»ни кафолатлаш

Ўзбекистон жабрланувчининг айблов ҳукмидан оқланишидан қатъи назар, виждон маҳкумларининг умумий, қонуний ижро этила оладиган реабилитация ҳуқуқини кафолатловчи қоидаларни жорий этиши лозим. Реабилитация ҳуқуқи жабрланувчилар томонидан турли суд муассасаларида, жумладан, жиноий, фуқаролик ва маъмурий суд жараёнларида амалга оширилишини таъминлаш.

## Жиноят кодексининг ихтиёрий ва табиатан камситувчи қоидаларидан фойдаланишни тўхтатиш

Ўзбекистон жиноий ва маъмурий кодексдаги жуда мавҳум ва кенг талқин этилиши мумкин бўлган ҳамда виждон маҳқумларини камситиш учун қўлланиладиган моддаларни, масалан, сохта янгиликлар ёки экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги айрим қонунларни бекор қилиши керак. Бундан ташқари, Ўзбекистон, моҳиятан камситувчи бўлган Жиноят кодексининг 120-моддаси каби қоидаларнинг қўлланилиши туфайли виждон маҳқумларини вужудга келтирадиган қоидаларни бекор қилиши керак. Боз устига, Ўзбекистон табиатан камситувчи қонунлар асосида жиноий жавобгарликка тортилган барча шахсларга реабилитация ҳуқуқини кафолатлаши керак.

## Мажбурий айбни тан олишларга қарши ҳимоя чораларини яхшилаш

Ўзбекистонда мавжуд муаммолардан бири бу мажбурий айбни тан олиш муаммосидир. Мажбурий айбни тан олишларнинг олдини олиш виждон маҳқумлари томонидан реабилитация олишда дуч келадиган қўшимча тўсиқни олиб ташлайди. Ўзбекистон, гумонланувчилар судгача ҳибсда бўлган пайтда, мустақил адвокат иштирокисиз гумонланувчиларни сўроқ қилишни тақиқлаш, барча иқдорликларни имзолаган томонларнинг она тилида берилишини таъминлаш, қийноқлар ва шафқатсиз муомалалар ҳақидаги барча хабарларни текшириш ва жиноий жавобгарликка тортиш каби мажбурий айбни тан олишдан ҳимоя қилиш амалиётини жорий қилиши керак.

## Шартли озод қилиш, амнистия ёки афв этишда айбни тан олишни тўхтатиш

Ўзбекистон муддатидан олдин озодликка чиқиш учун ўз айбига иқдор бўлишни талаб қилиш амалиётини тўхтатиши керак. Бунинг ўрнига, озодликдан маҳрум қилишда такроран жиноят содир этиш эҳтимоли ва хулқ-атворга оид омилларга боғлиқ бўлиши керак.

Процессуал ислохотлар борасида Ўзбекистонга реабилитация жараёнига қуйидаги ўзгартиришларни киритишни тавсия қиламиз.

## Жиноий оқловсиз фуқаролик ҳуқуқи тартибида реабилитация даъвосига рухсат бериш

Фуқаролик ишлари бўйича судларга жиноят ишининг ҳолатидан қатъи назар, реабилитация ишларини кўриб чиқишга рухсат бериш. Жиноят процессининг фуқаролик реабилитация жараёнига зарар келтирмаслигини таъминлаш.

## Айбга иқдор бўлишни қайтариб олиш тартиб-қоидаларини ўрнатиш

Ўзбекистон жисмоний шахсларга муддатидан олдин озод қилиш ёки мажбурлаш шarti сифатида имзоланган айбга иқдор бўлиш тўғрисидаги аризани қонуний равишда қайтариб олиш имконини берувчи тартибларни ўрнатиши керак. Ёхуд исботлашнинг шундай қоидаларини яратиш керак-ки, унга мувофиқ айбга иқдор бўлиш келажакдаги ҳар қандай суд жараёнларидан, хусусан, реабилитация билан боғлиқ бўлган жараёнлардан аниқ истисно этилсин.

## Жиноий ишларни қайтадан очиш ҳуқуқини кенгайтириш

Собиқ маҳкумларга жиноий ишларни янги далиллардан ташқари бошқа асослар бўйича қайта очиш ҳуқуқини бериш керак, мисол учун, собиқ маҳбус сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилинганлиги, ҳамда камситувчи айбловлар билан таъқиб қилинганлигини исботлаши мумкин бўлган ҳолларда, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро трибуналнинг ушбу шахснинг ҳибсга олиниши инсон ҳуқуқлари қонунчилигини бузганлиги ҳақидаги қарорининг мавжудлиги бўлган тақдирда.

## Собиқ виждон маҳкумларига оид маълумотларнинг сақланишини таъминлаш

Жиноят процессининг барча материалларидан нусха олиш гумон қилинувчилар, айбланувчилар, маҳкумлар ва уларнинг оила аъзолари учун осон бўлиши керак. Бундан ташқари, ҳибсда сақланаётган шахсга оид барча ёзма маълумотлар ҳибсда сақланган вақт давомида сақланиши ва унинг илтимосига кўра унга тақдим этилиши керак. Халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан ноқонуний ҳибсга олинганлиги аниқланган шахсларга оид маълумотларни доимий равишда сақланишини таъминлаш.

---

Ҳуқуқий ва процессуал ислохотлардан ташқари, Ўзбекистон виждон маҳкумларига уларнинг ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган зарарни тан олиши ва халқаро мажбуриятларига мувофиқ тоvon тўлашини таъминлаш учун янада тизимли ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Биз Ўзбекистонга сиёсий маҳкумларнинг реабилитация қилиш ҳуқуқини қайта кўриб чиқиш ва собиқ виждон маҳкумларининг тўлиқ реабилитация қилинишини таъминлаш учун мустақил реабилитация тартибини жорий этишни тавсия қиламиз. Бундай тартибнинг структураси Совет даврида қатағонга учраганларга тоvon тўлаш учун ҳозирда қўлланилаётган модел асосида осонгина мослаштирилиши мумкин. Бундай моделни фақат бугунги сиёсий маҳбусларнинг реабилитацияга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун тўланадиган тоvon миқдори ва кўлами доирасида кенгайтириш керак.

Бу каби ҳар қандай тартибда қуйидагилар учун масъул бўлиши: собиқ сиёсий маҳбуслар ишини баҳолаш ва уларнинг тоvon олиш ҳамда реабилитацияга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш; собиқ маҳкумлар ёки уларнинг қонуний вакилларида виждон маҳкумининг тахмин қилинаётган иши тўғрисида маълумот олиш; жиноий айбловни қайта кўриб чиқиш ва жабрланувчининг реабилитация ҳуқуқини баҳолаш учун жиноят ишини қайтадан бошлаш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалик; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий органининг виждон маҳкумлари ҳақидаги фикрларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш учун тавсия этиш.



Ислоҳот бўйича юқоридаги тавсияларнинг қабул қилиниши ва самарали амалга оширилиши Ўзбекистонни собиқ виждон маҳкумларининг инсон ҳуқуқлари бузилганлиги учун тўлиқ товон тўлаш бўйича халқаро мажбуриятларига мувофиқлаштириш жараёнини бошлайди. Қўшимча чора-тадбирлар кўрилмагунча, виждон маҳкумларига нисбатан содир этилган инсон ҳуқуқларининг бузилиши, улар ва уларнинг оилаларига салбий таъсири ҳукумат қамоқхоналаридан озод қилинганидан кейин ҳам узоқ давом этади. Тўлиқ реабилитациясиз, собиқ виждон маҳкумларига нисбатан ўтмишдаги хатоларни тузатиш бўйича ишлар охиригача олиб борилмаган ҳисобланади.

Ўзбекистондаги собиқ виждон маҳкумлари билан ўтказилган суҳбатлар ва ички қонунчилик базасини таҳлили шуни кўрсатадики, ҳукуматнинг собиқ виждон маҳкумларининг товон олиш ҳуқуқининг бузилишига бевосита таъсир кўрсатган қонун ва амалиётда камчиликлари мавжуд. Биз Ўзбекистонда мавжуд реабилитация тизими ва амалиёти халқаро мажбуриятларга мос тарзда амалга оширилмаяпти, деган хулосага келдик.

<sup>1</sup> Масалан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси,

Жазосизликка қарши курашорқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш варағбат лантириш тамоийлларининг янги лангантўплами, БМТ Хужжат. E/CN.4/2005/102/Қўшимча1, Чоп этилган 34 (1997 йилда қабул қилинган, 2005 йилда янги ланган), [www.undocs.org/E/CN.4/2005/102/Қўшимча1](http://www.undocs.org/E/CN.4/2005/102/Қўшимча1);

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси,

асосий тамоийллар ва халқаро инсон ҳуқуқлари қонунларининг қўпол бузилиши ва халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилиши жабрланувчиларини ҳимоя қилиш ватово нолиш ҳуқуқи бўйича асосий тамоийллар ва кўрсатмалар, 2005/35 резолюцияси, <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/basic-principles-and-guidelines-right-remedy-and-reparation>;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Умумий изоҳ № 31, Пактда иштирок этувчи давлатларнинг умумий ҳуқуқий мажбуриятларининг табиати, CCPR/C/21/Rev.1/Add.13, 2004, параграф 16-модда («самарали ҳимоя воситаси» ҳуқуқ компенсация ҳуқуқини ўзичига олади, шужумладан «реституция, реабилитация ва қониқ шоралари, масалан, оммавий кечирим сўраш, оммавий хотиралар, такрорланмасликка фолатларива тегишли қонунлар ва амалиётларни ўзгартириш ва мурожаат қилиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини бузганайбдорларни жавобгарликка тортиш.»); CERD қўмитаси ушбу асосни S.A.v. Дания,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишнинг барчашакларига барҳам бериш бўйича қўмитаси, БМТ Doc. CERD/C/97/D/58/2016, параграф 7.8 (2019-йил 6-феврал), куйидаги манзилда мавжуд: [www.undocs.org/CERD/C/97/D/58/2016](http://www.undocs.org/CERD/C/97/D/58/2016);

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий,

ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитаси, 20-сонли умумий шарҳ, БМТ Doc. E/C.12/GC/20, параграф 40 (2009 йил 2 июл),

[www.undocs.org/E/C.12/GC/20](http://www.undocs.org/E/C.12/GC/20); БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитаси, № 38 умумий шарҳ;

Глобал миграция контекстида аёллар ва қизлар савдоси тўғрисида, БМТ Doc. CEDAW/C/GC/38, параграф 43 (5-ноябр, 2020-йил), [www.undocs.org/CEDAW/C/GC/38](http://www.undocs.org/CEDAW/C/GC/38);

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қийноқларга қарши қўмитаси, № 4 Умумий изоҳ; 22-модда контекстида Конвенциянинг 3-моддасини амалга ошириш тўғрисида,

БМТ Doc. CAT/C/GC/4, 21-параграф (2018-йил 4-сентябр), [www.undocs.org/CAT/C/GC/4](http://www.undocs.org/CAT/C/GC/4); Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси,

Умумий шарҳ № 25: Рақамли муҳитга нисбатан болалар ҳуқуқлар тўғрисида, БМТ Doc. CRC/C/GC/25, параграф 46 (2021-йил 2-март),

[www.undocs.org/CRC/C/GC/25](http://www.undocs.org/CRC/C/GC/25); Бироқ, икки ташартнома органиушбу тизимни ўзларининг ҳуқуқий нашрларида,

яъни Меҳнатмигрантлар тўғрисидаги конвенция ва ногиронлар тўғрисидаги конвенциянинг шартнома органларида ҳақиқат қабул қилмаган.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси, м. 56, 498, 509(12), <https://lex.uz/docs/111463> (рус тилида).

<sup>3</sup> Муаллифнинг "Интервю жаваблари" тақаранг; Шунингдек қаранг: Реабилитация буерда ва ҳозир: Ўзбекистонда ўтиш даврида долатга эришиш, Стив Свердлов, 2020-йил 14-июл <https://fpc.org.uk/rehabilitation-here-and-now-pursuing-transitional-justice-in-uzbekistan>

